




Чимбойда Миллий гвардиянинг алоҳида отрядининг янги иморати очилди

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Қорақалпоғистон Республикаси Қўриқлаш бошқармаси Чимбой туманидаги 12-Алоҳида отрядининг янги иморатининг очилиш морасими бўлиб ўтти. Янги иморатда кутубхона, маърифат хонаси, фуқароларни қабул қилиш хонаси, барча инвентарларга эга бўлган спорт зал ва саф майдончаси ва дам олиш хонаси, техник қўриқлаш маркази мавжуд бўлиб, ходимларнинг ишончли қўриқлаш хизматини олиб бориши учун барча имкониятлар яратилган. Қорақалпоғистон Республикаси Қўриқлаш бошқармаси 12-Алоҳида отряди томонидан ҳозирги кунда Чимбой туманида 86 та обьект, 26 фуқаролар хонадонлари ишончли қўриқланиб келинмоқда.



Туман ахборот хизмати